

Қуръон таълими истиқболлари



14:00 / 31.05.2019 4362

«Робитатул-аъламил-ислабий» (Ислом олами робитаси) томонидан ташкил қилинган «Қуръон ва Суннатда васатия ва мўътадиллик қадриятлари» деб номланган халқаро илмий анжумани доирасида Робитанинг Китоб ва Суннат умумжаҳон қўмитаси томонидан «Қуръони Карим ўқитишнинг тартиб-қоидалари» номли илмий-амалий давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қуръони Каримни замонавий ахборот технологиялари воситасида масофадан ўқитиш, эшитиш, ижоза бериш ва ижоза олиш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуман иштирокчилари мазкур мавзуда Ислом олами робитасига қарашли Қуръони Карим таҳфиси умумжаҳон қўмитасининг маслаҳатчиси, машҳур Қуръон устози, доктор Айман Рушдий Сувайднинг маърузасини тингладилар.

Илмий-амалий анжуманда «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёт мажмуаси раҳбари, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содиқ ҳам иштирок этди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти